

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

#### **409 Автомобиль йўллари лойиҳалаштириш, қуриш ва фойдаланиш соҳасида кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Автомобиль йўллари қурилиши соҳасида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва шунинг асосида Ўзбекистон миллий автомагистралини, умумреспублика ва маҳаллий аҳамиятдаги автомобиль йўллари истиқболда ривожлантириш лойиҳаларини амалга ошириш талаблари ҳамда вазифаларини ҳисобга олган ҳолда республиканинг лойиҳа, қурилиш ва йўлдан фойдаланиш ташкилотларининг юқори малакали муҳандис кадрларга нисбатан ортиб бораётган талаб-эҳтиёжларини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда «Ўзавтойўл» акциядорлик компаниясининг Тошкент автомобиль-йўллар институтини Тошкент автомобиль йўллари лойиҳалаштириш, қуриш ва фойдаланиш институти этиб қайта ташкил қилиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Тошкент автомобиль йўллари лойиҳалаштириш, қуриш ва фойдаланиш институтининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

автомобиль йўллари, кўприklar, тоннеллар, йўл ўтказгичлар ва йўл усти транспорт тизимларини лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасида халқаро стандартларга мувофиқ сифатли бакалавр ва магистрлар тайёрлашни таъминлаш;

автомобиль йўллари ҳамда бошқа муҳандислик йўл иншоотларини лойиҳалаштириш ва қуриш, қурилишда янги материаллар ва технологияларни татбиқ этиш, конструкциялар мустақамлигини ва энергия самарадорлигини ошириш, материаллар ҳажмини камайтириш билан боғлиқ бўлган, шунингдек, ер усти транспорт тизимлари логистикаси, уларни ташкил этиш ҳамда улардан фойдаланиш борасидаги йўналишлар бўйича илғор жаҳон тажрибаси ва технологияларини чуқур ўрганиш;

маҳаллий материаллардан кенг фойдаланиш, йўл қурилиши ҳамда йўл қурилиш техникаси ва транспорт тизимларидан фойдаланишнинг замонавий технологияларини жорий этишни ҳисобга олган ҳолда, автомобиль йўллари, тоннеллар, кўприklar ва йўл ўтказгичлар пухта ишлашини таъминлашга йўналтирилган амалий илмий тадқиқотлар ва ишланмалар олиб боришга,

тематик ишларни бажаришга талабалар ва профессор-ўқитувчиларни кенг жалб қилиш;

қўшма таълим дастурлари, илмий лойиҳаларни амалга ошириш, замонавий таълим дастурларини татбиқ этиш ва илмий-таълим жараёнига хорижий мутахассисларни жалб қилиш мақсадида чет эллардаги етакчи турдош (ихтисослашган) олий таълим муассасалари ва илмий марказлари билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш.

### 3. Қуйидагилар:

Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш, қуриш ва фойдаланиш институтининг тузилмаси 1 ва 1а-иловаларга\* мувофиқ;

Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш, қуриш ва фойдаланиш институтида кадрлар тайёрлаш бўйича асосий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари 2-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, зарур ҳолларда, институтнинг ташкилий тузилмасига ходимларнинг тасдиқланган сони доирасида ўзгартишлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

### 4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

бир ой муддатда тугатилаётган Тошкент автомобиль-йўллар институтининг раҳбарлари ва профессор-ўқитувчиларини аттестациядан ўтказиб, сўнгра институтнинг тасдиқланган тузилмасига мувофиқ, Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш, қуриш ва фойдаланиш институтининг факультет ва кафедраларини юқори малакали кадрлар билан бутласин;

2016 йил 30 августга қадар муддатда Тошкент автомобиль-йўллар институтининг тугатилаётган ва қайта ташкил этилаётган таълим йўналишлари ҳамда мутахассисликлар бўйича бакалаврият ва магистратура талабаларининг республика турдош (ихтисослашган) олий ўқув юртлирининг тегишли таълим йўналишлари ва мутахассисликларига ўтказилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги «Ўзавтойўл» акциядорлик компанияси, манфаатдор вазирликлар, идоралар, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш, қуриш ва фойдаланиш институти бакалаврияти ва магистратурасига ҳар йилги қабул квоталарини шакллантиришни турдош (ихтисослашган) лойиҳа ва йўл-қурилиш ташкилотлари, йўллардан фойдаланиш корхоналари ва буюртмачилар хизматларининг олий маълумотли мутахассисларга бўлган истиқболдаги талаб-эҳтиёжлари асосида амалга оширсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси ва «Ўзавтойўл» АК Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда:

Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш, қуриш ва фойдаланиш институти ўқув аудиториялари ва ўқув-илмий лабораториялари замонавий техник воситалар, махсус синов машиналари, стендлар, асбоб-уску-

---

\* 1 — 2-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

налар ва ахборот-коммуникация воситалари билан жихозланишини, шунингдек ўқув бинолари ва талабаларнинг яшаш жойлари муҳандислик инфратузилмаси билан комплекс ҳолда реконструкция қилинишини;

етакчи таълим ва илмий марказлар, ташкилотлар ва корхоналарнинг, шу жумладан хорижий мамлакатларнинг энг тажрибали, юқори малакали мутахассисларини ўқув жараёнига шартнома асосида жалб этишни таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2016 йил 26 август,  
ПҚ-2580-сон